

**“OFB Corporate” (веб ва мобил версия) тизимдан фойдаланган ҳолда  
банк ҳисобварағини юритиш бўйича  
ҚЎШИЛИШ ШАРТНОМАСИ**

“Ориент Финанс” ХАТБ (бундан кейин Банк деб аталади бир томндан, ва Корхона (бундан кейин Мижоз деб аталади), “OFB Corporate” тизимида банк ҳисобварағини юритиш бўйича шартномасини (кейинги ўринларда - Шартнома) Фуқаролик кодексининг 360-моддасига мувофиқ, унга қўшилиш йўли билан қабул қилишни, шартномага қўшилиш учун Ариза (кейинги ўринларда - Ариза), тақдим этиб, қуйидагича келишиб олдилар:

**1. ХИЗМАТ МАЗМУНИ**

1.1. Банк Мижознинг имзо ва муҳр изи туширилган карточкасида кўрсатилган шахслар электрон рақамли имзо ёрдамида банк операцияларини амалга ошириш ва ҳисобварақдан кўчирма олиш учун банкка ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиш имкониятини берувчи “OFB Corporate” тизими (кейинги ўринларда - Тизим) ёрдамида Мижознинг ҳисобварағига хизмат кўрсатади.

1.2. Банк Мижозга “OFB Corporate” веб тизими орқали қуйидаги турдаги хизматлар (кейинги ўринларда – Хизмат турлари)ни тақдим этади:

1.2.1. Ахборот хизмати:

1.2.1.1. Ҳисоб рақамларда айна пайтдаги қолдиқ маблағлар тўғрисида маълумот;

1.2.1.2. Ҳисоб рақамлари бўйича кўчирма ва ҳисоботлар олиш;

1.2.1.3. Ходимлар маълумотномасини тақдим этиш.

1.2.1.4. Контрагентлар маълумотномасини тақдим этиш.

1.2.1.5. Тўлов ҳужжатлари намуналарини тақдим этиш.

1.2.1.6. Раусонтрол рақамли калитини тақдим этиш.

1.2.1.7. Ҳисобрақамлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш.

1.2.1.8. Push-билдиришномаларини юбориш, ҳисобрақамлар ҳаракати ҳақидаги билдиришномаларни бошқариш.

1.2.1.9. “Янгиликлар” хизмат тури.

1.2.1.10. “Хатлар” хизмат тури.

1.2.2. Транзакцион хизматлар:

1.2.2.1. Мижознинг тўлов топшириқномаларини ижро қилиш.

1.2.2.2. “Иш ҳақи лойиҳаси” доирасида Мижоз ходимларига қўшилиш учун иш ҳақи варақаси ва реестрини юбориш.

1.2.2.3. Валюта ўтказмаси

1.2.2.4. Валюта айирбошлаш (сотиб олиш ва сотиш, чет эл валютасини конвертация қилиш)

1.2.2.5. Омонатлар ҳолатини кўриш

1.2.2.6. Корпоратив картани очиш учун ариза топшириш

1.2.2.7. Ташқи савдо шартномалари билан боғлиқ маълумотнома

1.2.2.8. Картотекадаги ҳужжатларни кўриш ва тўлов сўровини қабул қилиш ёки рад этиш.

1.2.2.9. Чиқувчи ва кирувчи тўлов топшириқномалари

1.2.2.10. Тўлов учун ҳисоб варақалар

1.2.2.11. МУНИС тизими орқали тўловлар

1.3. Тизим янгиланиб бориши натижасида янги хизмат турлари билан тўлдирилиб борилиши мумкин. Янги жорий қилинган хизмат турлари учун ҳақ миқдори Банк тарифлари ёки Банкнинг тегишли ваколатга эга коллегиял органи томонидан белгиланди. Янги жорий қилинган банк хизмат турларидан

фойдаланишдан аввал, Мижоз янги хизмат тури учун белгиланган тариф билан танишиб чиқиши лозим ва Мижоз мазкур хизмат туридан фойдаланишни бошлаш вақтидан этиборан Банк Мижоздан тарифга муносиб равишда хизмат ҳаққи олади.

## 2. АТАМАЛАР, ТУШУНЧА ВА ҚИСҚАРТМАЛАР

Ушбу Шартномада куйидаги атамалар, тушунча ва қисқартмалар қўлланилади:

2.1. **“OFB Corporate” тизими (Тизим)** – мижозга банк хизматларини кўрсатиш учун “OFB Corporate” масофавий банк тизимининг веб ва мобил версиясининг бирлашмасидир. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ўзгаришлар киритилиши муносабати билан ҳамда мижозлар еҳтиёжларига янада тўлиқроқ мослаштирилишини таъминлаш учун Банк томонидан Тизим янгиланиши ва ўзгартирилиши мумкин. Тизим автоматик равишда, Мижознинг иштирокисиз, лекин тегишли тарзда хабардор қилинган ҳолда янгиланади. Ҳар қандай вақтда Мижоз тизимнинг сўнгги версиясида ишлайди.

2.2. **ЭҲ** – электрон ҳужжат.

2.3. **ЭҲ мақоми** – Тизимда ЭҲга ишлов бериш айна пайтда қайси босқичда эканлигини белгилаш.

2.4. **Мижоз фойдаланувчиси** – Мижоз номидан тизим ичида ишлаш ҳуқуқига эга бўлган ва тизимда рўйхатдан ўтган мижознинг ходими. Мижознинг фойдаланувчилари банкка йўлланадиган сўровнома, тўлов ҳужжатларини шакллантирадиган ва банкдан маълумот оладиган ва қайта ишлайдиган ҳамда мижоз номидан ЭТҲни электрон усулда имзолайдилар.

2.5. **PayControl** – OFB Corporate тизими фойдаланувчисига қўшимча қурилмалардан фойдаланмасдан OFB Corporate мобил иловасида ўрнатилган PayControl калити ёрдамида транзакцияларни тасдиқлаш имконини берувчи криптографик маълумотларни ҳимоя қилиш воситаси.

2.6. **E-IMZO** – ДСҚ ҳузуридаги “Янги технологиялар илмий-ахборот маркази” ДУК томонидан ишлаб чиқилган “OFB Corporate” Тизими фойдаланувчисига операцияларни тасдиқлаш ҳуқуқини берувчи ахборотни криптографик ҳимоя қилиш воситаси.

2.7. **Мижознинг тўғри PayControl калити** – Мижознинг очиқ калитли ЭРИ билан текширилганда ижобий натижа берувчи Мижознинг ЭТҲсидаги PayControl калити.

2.8. **Мижоз ЭРИсининг маҳфий калити** – ЭРИ ҳуқуқига эга бўлган Мижознинг фойдаланувчилари Мижознинг ЭТҲини шакллантириш учун ишлатишга мўлжалланган калит (байтлар кетма-кетлиги)

2.9. **ЭИ сертификати** – “OFB Corporate” тизимидаги электрон имзони текширишда қўлланиладиган, ЭИ калити эгаси тўғрисидаги маълумотлар, калитнинг амал қилиш доираси ва амал қилиш мудатини ўз ичига олган электрон ҳужжат.

2.10. **Мижознинг фаол(актив) очиқ PayControl калити** – Банкда томонидан Тизимда рўйхатдан ўтказилган, Мижоз фойдаланувчиси томонидан айна пайтда тизимда ишлаш учун фойдаланиладиган Мижоз фойдаланувчисининг очиқ PayControl калити. Исталган вақтда Тизимда мазкур Мижоз фойдаланувчисининг бирдан ортиқ бўлмаган PayControl актив очиқ калити бўлиши мумкин.

2.11. **Фойдаланувчининг тизимдаги номи/исми** – Муайян Мижоз фойдаланувчи номини ифодаладиган, Тизимда мазкур фойдаланувчини мос келиши ва унинг Тизимдаги ҳуқуқларини аниқлашга имкон берувчи очиқ кетма-кетликдаги белгилар.

2.12. **Фойдаланувчининг пароли** – Фойдаланувчининг ҳуқуқларига мувофиқ Мижознинг ресурсларига кириш учун Тизимга киришда тақдим этилаган Фойдаланувчининг тизимдаги номи ва ПИН билан USBга фойдаланувчининг шахси мос келишини тасдиқлаш имконини берадиган Мижоз фойдаланувчиси билан боғлиқ ва фақат унга маълум бўлган махфий кетма-кетликдаги белгилан.

2.13. **Фойдаланувчи логини** – Мижознинг тизимга киришини жисмоний мувофиқлигини тасдиқлашга имконини берувчи, тизим фойдаланувчиси билан боғлиқ бўлган белгиарнинг ноёб кетма-кетлиги.

2.14. **Шифрлар** – Маълумотларни (электрон ҳужжатларни) Мижоз ва Банк ўртасида алоқа линиялари орқали узатишда рухсатсиз ўқишдан ҳимоя қилишни таъминлаш.

2.15. **Тизимда ишлаш қоидалари** – Тизимнинг жорий версияси билан тўғри ишлашни тасвирлайдиган қоғоз ёки электрон шаклдаги кўрсатмалар, процедуралар, тизим фойдаланувчиларининг функционал мажбуриятларини тавсифловчи жамланма. Қоидалар тизим версияларидаги ўзгаришлар туфайли ўзгариши мумкин.

2.16. **Мижознинг ресурси** – Мижоз ҳақида, мижознинг ҳисобварақлари, баланслари, айланмалари, тўлов ҳужжатлари, электрон почта, фойдаланувчилари, мижознинг ҳуқуқ ва профили тўғрисидаги банкда сақланаётган маълумотлар.

2.17. **QR код** – рақамли қурилма томонидан ўқиладиган ва пиксел қаторларда маълумотни сақлайдиган икки ўлчовли матрицали штрих-код тури.

2.18. **Тариф** – Банк томонидан Мижознинг банк ҳисобрақамларига хизмат кўрсатиш ва ҳисобрақамлар бўйича операцияларни амалга ошириш учун Банк фойдасига тўланадиган комиссия.

2.19. **АКХҚВ** – ахборотни криптографик ҳимоя қилиш воситаси.

### 3. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

3.1. Тизимнинг Мижоз фойдаланувчидаги қисми стандарт дастурий таъминотдан иборат бўлиб, қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- 1) Тизим билан ишлаш учун компьютер, ноутбук ёки планшет мавжудлиги.
- 2) Банк билан алоқа қилиш учун телефон линияси ёки мобил алоқа тизими.
- 3) Стационар компьютерлар ва ноутбуклар ишлайдиган операцион тизим: *Windows 7* ёки ундан юқори. Планшетлар учун қўллаб-қувватланадиган операцион тизим: *Android 7x* ва ундан юқори.
- 4) Ўрнатилган антивирус (сўнгги янгиланишлари билан).
- 5) *Google Chrome 70x*, *Mozilla Firefox 63x* ва *Opera 56x*, ёки мазкур интернет-браузерларининг сўнгги версиялари.
- 6) Фаол Интернет тизими.

3.2. Тизимнинг мобил версияси стандарт дастурий таъминотдан иборат бўлиб, у қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- 1) *Android x.6* ёки ундан юқори
- 2) *IOS x.10* ёки ундан юқори
- 3) 3G ёки ундан юқори фаол интернет тизими
- 4) QR-кодини сканерлаш қобилиятига ега қурилма

#### 3.3. Томонлар тан оладилар:

- Ўзбекистон Республикасининг Давлат стандартларига (*O'z DSt* стандарти) мувофиқ ишловчи электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжатларни узатиш учун Тизимда фойдаланиладиган усули;

- Электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон ҳужжат ўзбошимчалик билан ўзгартирилса, ЭРИ нотўғри бўлади, яъни ЭРИ текшируви салбий натижа беради;

- Мижознинг ЭРИсини қалбакилаштириш, мижоз номидан электрон ҳужжатнинг тўғри электрон рақамли имзосини Мижознинг ёпиқ калитли ЭРИсини билмай туриб яратишнинг иложи йўқ;

- Мижознинг PayControl ва E -IMZO калити билан тасдиқланган электрон ҳужжатлар мижознинг раҳбари томонидан имзоланган ва мижознинг муҳр изи акс этган қоғоз шаклдаги тегишли ҳужжатларига тенг ҳисобланади. Мижознинг PayControl ва E -IMZO калити билан имзоланмаган Электрон ҳужжатлар банк томонидан кўриб чиқилмайди ва ижро этилмайди. Электрон имзога эга бўлмаган электрон ҳужжатлар, низоли ҳолатлар вужудга келганда тасдиқловчи ҳужжат сифатида қабул қилинмайди;

- Тизимда ишлашнинг ягона вақт ўлчов шкаласи сифатида Тошкент вақт минтақаси қўлланилади. Назорат вақти бўлиб Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг аппарат воситалари тизим соати ҳисобланади.

#### **4. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ**

4.1. «PayControl» тизимида ҳисобвараққа хизмат кўрсатганлик учун Мижоз Банк Тарифларига мувофиқ ҳақ тўлайди.

4.2. Тўлов мижоз томонидан ҳисобот ойдан кейинги ҳар ойнинг 10-кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

##### **5.1. Банк қуйидаги мажбуриятларга эга:**

5.1.1. Мижозга “OFB Corporate” (веб ва мобил версия) тизимига кириш учун логин ва паролни беришга;

5.1.2. Мижознинг очиладиган PayControl калитини яратиш;

5.1.3. Калитлар (PayControl калити)ни Мижозга, яъни бевосита ваколатли шахс (биринчи имзо ҳуқуқига эга раҳбар)га топшириш-қабул қилиш далолатноси (Шартноманинг 1-сонли иловаси)ни имзолаган ҳолда тақдим этиш;

5.1.4. Банк серверига рухсатсиз киришга йўл қўймаслик мақсадида, ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича ички тартиб-қоидаларга мувофиқ ва ўзига маълум бўлган усуллар орқали амалга ошириш орқали мижознинг маълумотларини сир сақланишини таъминлаш.

5.1.5. “OFB Corporate” тизимида техник носозликлар (учинчи шахс томонидан дастурий таъминотни янгиланиши, профилактик хизмат кўрсатиш, носозликлар ва киритилган муддатларнинг ўрнатилиши) юзага келганда, Банк ўзининг расмий ахборот манбалари орқали тизим фойдаланувчиларини хабардор қилиш мажбуриятини, шунингдек, техник носозликларни бартараф этиш учун зарур ҳаракатларни амалга оширади. Мижоз “OFB Corporate” тизимининг носозлиги юзасидан Банкка қарши даъволар тақдим этишга ҳақли эмас, бундай ҳолатда, муаммолар бартараф этилгунга қадар барча банк операциялари қоғоз шаклдан фойдаланган ҳолда, ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига назарда тутилган усуллар билан амалга оширилади.

5.1.6. Мижоз операциялари сирини сақлаш ва улар тўғрисидаги маълумотларни фақат Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва ушбу Шартномада назарда тутилган ҳолларда учинчи Шахсларга тақдим этиш.

##### **5.2. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

5.2.1. Агар мижоз махфий ва тегишли PayControl калитларини амал қилишини бекор қилиниши ҳақида ёзма хабарнома тақдим этса, Мижознинг тизимдаги фаол очиқ PayControl калитини ўчириш;

5.2.2. Агар мижознинг PayControl калитлари бузилган/қалбакилаштирилган деб гумон қилинса ёки имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати ўзгартирилса, Мижозни огоҳлантирмасдан, Мижознинг

фаол очик PayControl калитини блоклаш ва Мижоздан PayControl калитлар жуфтлигини ўзгартиришни талаб қилиш;

5.2.3. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш ҳамда хавфни камайтириш мақсадида:

- мижоз амалга оширган операцияларнинг қонунийлигини ёзма равишда баён этгунига қадар “OFB Corporate” тизими орқали мижозга хизмат кўрсатишни тўхтатишга ва агар Мижоз тизим ёрдамида шубҳали операциялар амалга оширилганлиги аниқланса, “OFB Corporate” тизими орқали хизмат кўрсатишни рад этишга ҳақли;

- мижозни жойлашган жойи бўйича (почта манзили) текширишга, шу жумладан тизим ёрдамида шубҳали операциялар ўтказилганлиги ҳақида гумон мавжуд бўлса, операцияларни амалга ошириш жараёнини ўрганишга ҳақли;

- Тизим орқали шубҳали операциялар амалга оширилган тақдирда, “OFB Corporate” тизими орқали мижозга хизмат кўрсатишни 3 банк иш кунигача бўлган муддатга тўхтатиб қўйиш;

- Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида бундай хизматлардан фойдаланиш бўйича асосли гумонлар мавжуд бўлса, тизим бўйича хизмат кўрсатишни тўхтатиш.

5.2.4. Тўловни ўтказиш вақти яқунлангунга қадар тўлов кунида Мижознинг ҳисобварағида тўловни амалга ошириш учун маблағ етарли ёки мавжуд бўлмаса, Мижоз томонидан “OFB Corporate” тизими орқали банкка юборилган электрон тўлов топшириқномаларини қабул қилмайди ва рад этади.

5.2.5. “OFB Corporate” тизимининг веб ва мобил версиясига янги хизматлар турларини қўшиш ёки жорий хизматлар турларига ўзгартиришлар киритиш.

5.2.6. Банк исталган алоқа каналлари орқали Мижозга эҳтиёт чоралари ва фирибгарлик хавфлари тўғрисида ахборот хабарларини юбориш ҳуқуқига эга. Бунда, учинчи шахсларнинг фирибгарлик ҳаракатлари натижасида, шунингдек, Мижоз томонидан маълумотлар учинчи шахсларга берилиши ёки эҳтиёт чораларига риоя қилинмаслиги оқибатида юзага келган зарарлар учун Банк жавобгар бўлмайди.

### 5.3. Мижоз қуйидаги мажбуриятларга эга:

5.3.1. Калитлар (очик калитли ЭРИ ва PayControl калити)ни шахсан (шахсан ташкилот раҳбари) банкдаги олиш;

5.3.2. “OFB Corporate” тизимнинг ишлаши учун нормал шарт-шароит яратиш, хусусан, шартноманинг 3.1. ва 3.2. бандида кўрсатилган минимал дастурий-техник талабларни сақлаш;

5.3.3. “OFB Corporate” тизими фойдаланиладиган пароль ва маҳфий калитли USB калитни сир сақлаш ва учинчи шахсларга бермаслик;

5.3.4. “OFB Corporate” тизимига рухсатсиз киришга уриниш PayControl калити йўқотилганлик/шикаст етказганлик ҳолатлари ҳақида дарҳол бир иш куни ичида Банкни ёзма равишда хабар бериш;

5.3.5. Банкнинг амалдаги тарифларига мувофиқ ўз вақтида банк хизматлари учун ҳақ тўлаш.

### 5.4. Мижоз қуйидаги ҳуқуқларга эга:

5.4.1. Фаол PayControl калитини муддатидан олдин бекор қилиш ва Банкни ёзма равишда Мижознинг маҳфий ва унга мувофиқ PayControl калитини бекор қилиш тўғрисида хабардор қилган ҳолда фаол PayControl калитини блоклаш;

5.4.2. Мижоз раҳбарининг имзоси билан тасдиқланган аризасига мувофиқ

Мижоз PayControl калитлар жуфтлигини янгидан тайёрлашга сўров жўнатиш ёки калитларни қайта генерация қилишга электрон сўров йўллаш;

5.4.3. Тизимида ўз ишини вақтинча ўчириб қўйиш(блоклаш)ни ёзма сўров асосида амалга ошириш.

5.5. Банк миждознинг тизим орқали йўллаган ҳужжатларини кечаю-кундуз давомида қабул қилади.

5.6. Мижоз томонидан жорий операцион кунда юборилган ҳужжатлар Банкка жорий операцион куннинг тугашига қадар тақдим этилиши ва “Ҳужжат санаси” майдонида операцион кунининг санаси кўрсатилиши керак. Жорий операцион кун тугагандан кейин юборилган тўлов топшириқномалари кейинги амалиёт кунни билан амалга оширилади.

## **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Банк Мижознинг PayControl ва E-IMZO калитидан учинчи шахслар ёки кириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар томонидан фойдаланилиши (миждозлар PayControl калитини йўқотиши, паролларни узатиш ва бошқалар), шунингдек Мижознинг 5.3.4-банд бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги натижасида Мижозга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди.

6.2. ЭРИ дан фойдаланган ҳолда тўлов топшириқномаларида Мижознинг айби туфайли нотўғри кўрсатилган маълумотлар бўлса, Банк комиссиясининг автоматик ҳисобланиши учун жавобгар эмас.

6.3. Мижоз томонидан тўлов топшириқномаларида нотўғри кўрсатилган маълумотлар бўлса, Банк ЭРИ ёрдамида амалга оширилган масофавий операциялар учун жавобгар эмас.

6.4. Мижоз томонидан фойдаланиш учун тақдим этилган PayControl ва E-IMZO калити ёрдамида расмийлаштирилган электрон ҳужжатлар ва уларда кўрсатилган маълумотларнинг тўлғрилиги учун жавобгарлик Мижоз зиммасида бўлади.

6.5. Тизимдан фойдаланганиш давомида Мижоз ва Банк ўртасидаги низолар келиб чиққан тақдирда, Томонлар низоли ҳолатлар юзага келганда техник экспертизани ўтказиш тартиби (Шартноманинг 8 бўлими)га мувофиқ низоларни кўриб чиқишда иштирок этиш мажбуриятини оладилар, ушбу бўлимда кўрсатилган қоида талабларига риоя қиладилар ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликни ўз зиммаларига оладилар.

6.6. Банк назорати остида бўлмаган ҳолларда, шунингдек Мижоз томонидан белгиланган техник шартларга риоя қилинмаган тақдирда, маълумотларни жўнатиш ва қабул қилиб олиш билан боғлиқ узилишлар ва банк ҳизматлари учун Банк жавобгар эмас.

## **7. МИЖОЗНИНГ ҲИСОБВАРАҒИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ**

7.1. Мижознинг шахсий ҳисобварағидан кўчирма Мижоз кўрсатган давр учун шакллантирилади. Мижоз банкка “OFB Corporate” тизими орқали тақдим этган тўлов ҳужжатларини келгусида бажариш бўйича кўрсатма беради.

7.2. Тўлов топшириқномасини олишда Банк миждознинг PayControl ва E-IMZO калити тўғрилигини текширади, ҳужжат реквизитлари тўғри тўлдирилганлигини текширади ва миждознинг жорий ҳисобварағида дебет қолдиғи бор-йўқлигини текширади. Агар тўлов ҳужжатларини тайёрлаш бўйича меъёрий ҳужжатлар талабларига номувофиқликлар, ноаниқликлар ёки зиддиятлар топилса, Банк уларни қабул қилмаслик ҳуқуқига эга.

## **8. НИЗОЛИ ҲОЛАТЛАР ЮЗАГА КЕЛГАНДА ТЕХНИК ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

8.1. Низоли ҳолат – бу “OFB Corporate” тизимининг тегишли техник воситалари ёрдамида тўғрилиги Мижознинг ваколатли вакили (фойдаланувчиси) томонидан муаллифлаштирилмаган ЭҲни Банк томонидан Мижознинг номидан экспертизадан ўтказиш, шунингдек Банк томонидан ЭҲни сабаб кўрсатмаган ҳолда ўтказмаслиги билан боғлиқ Мижознинг Банкка бўлган норозилиги. Низоли ҳолат талаблари аниқ ўрнатилиши ёки ЭҲни Мижознинг PayControl калитини текшириш натижасига кўра рад этилиши мумкин.

8.2. Бундай ҳолатда Мижоз “OFB Corporate” тизимидаги Банк учун ҳисобварақ бўйича операцияни амалга ошириш учун асос бўлган ёки мавжуд бўлмаганда ҳисобварақдан ҳақиқатда пул ечилиши содир бўлган ЭТҲни кўрсатган ҳолда асосий норозилик талаблари акс этган ариза билан Банкка мурожаат қилади. Банк мижознинг ҳисобварағидан пул маблағлари ечилган пайтдан икки иш куни ичида мижознинг норозилик аризасини қабул қилади. Мижознинг норозилик аризаси кўриб чиқиши даврида Мижознинг “OFB Corporate” тизимидаги иши Банк томонидан блокланади.

8.3. Банк Мижознинг аризаси тақдим этилган кундан еътиборан беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда аризани кўриб чиқиш учун низони кўриб чиқиш комиссиясини тузиши шарт. Комиссия таркибига Мижоз вакиллари (мижоз танловига кўра), Банк вакиллари (банк танловига кўра) ва зарур ҳолларда мустақил экспертлар киритилади. Комиссия аъзоларини танлаш барча иштирокчилар билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

8.4. Ҳужжат бўйича низоларни ҳал қилиш учун Мижоз банкка тегишли техник мутахассис, шунингдек ҳужжатларнинг юридик аҳамиятини тасдиқловчи мижознинг ваколатли фойдаланувчиси (авторизатор) билан бирга келиши керак.

8.5. Низони кўриб чиқиш комиссияси томонидан низони кўриб чиқишнинг натижаси, кўриб чиқилаётган ҳужжатда Мижознинг PayControl калитининг ҳақиқийлиги бўйича хулосасига кўра жавобгар томонни аниқлашдан иборат.

8.6. Низони кўриб чиқиш комиссияси аризани кўпи билан беш кун муддат ичида кўриб чиқади. Аризани кўриб чиқиш қуйидаги босқичлардан иборат:

8.6.1. Низони кўриб чиқиш комиссияси Мижознинг норозилик аризасини техник экспертизадан ўтказади.

8.6.2. Рухсат этилмаган тарзда пул маблағини ечиш ҳолларда:

- Тизимда низоли ҳужжатга мос келадиган транзакция (ўтказма) мавжудлигини текширади. Агар кўрсатилган транзакция (пул маблағини ечиш ҳолати мавжуд бўлмаса) мавжуд бўлмаса, Мижознинг норозилик аризаси автоматик тарзда ечилади.

- Агар кўрсатилган транзакция Банк тизимида аниқланса, тегишли ҳужжат (электрон ёки асл тўлов ҳужжати) мавжудлиги текширилади. Бундай ҳужжат мавжуд бўлмаса (ҳисобдан чиқариш учун асос) Банк мижозни ҳисобварағидан рухсатсиз ечилган суммани белгиланган тартибда қоплайди.

- Агар асл тўлов ҳужжати топилса, мижознинг норозилик аризаси автоматик равишда ечилади.

- Агар тўлов ҳужжатининг асли мавжуд бўлмаса, “OFB Corporate” тизимида электрон ҳужжат мавжуд бўлса, ушбу электрон ҳужжатнинг PayControl калити тўғрилиги таҳлил қилинади.

8.7. Низони кўриб чиқиш комиссияси Мижознинг ЭҲдаги PayControl калитини техник экспертизадан ўтказади, яъни:

- Банк мазкур ЭТҲга мувофиқ келувчи PayControl калитини тақдим этиши мумкин;

- Агар PayControl калити мавжуд бўлса, ҳужжатни имзолаган Мижознинг фойдаланувчиси аниқланади;

- Агар бундай фойдаланувчи аниқланса, мазкур фойдаланувчининг

тегишли гувоҳномаси (сертификат) ва “OFB Corporate” тизими ахборотлар базасидан фаол PayControl калити қидирилади;

- Белгиланган фаол очиқ калит аниқланганда, ЭТХ(низоли)га тегишли PayControl калити текширилади. Агар PayControl калити тасдиқланса Мижознинг норозилик аризаси автоматик тарзда ечилади;

8.8. Техник экспертиза асосида низони кўриб чиқиш комиссияси далолатнома тузади.

8.9. Агар низони кўриб чиқиш комиссияси томонидан Мижознинг PayControl калити тўғри эканлиги ва фаол PayControl калити Мижозга тегишли эканлиги тасдиқланса, Банк Мижоз олдида унинг низоли ЭТХси бўйича жавобгар бўлмайди.

## **9. ШАРТНОМА МУДДАТИ, ЎЗГАРТИРИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ**

9.1. Ушбу Шартнома номаълум муддатга тузилган бўлиб Томонлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

9.2. Ушбу Шартнома Мижознинг аризасига биноан ёки Банкнинг суд тартибидаги таълабига биноан бекор қилинмагунча амал қилади.

9.3. Шартномага ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритиш (шу жумладан, Шартноманинг янги таҳририни Банк томонидан тасдиқлаш) Банк томонидан мустақил равишда амалга оширилади, тарифлардаги ўзгаришлар бундан мустасно. Тарифларни ўзгартириш тарифларга қўшимча имзолаш орқали амалга оширилади.

9.4. Шартномага киритилган ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчалар кучга кириши учун Банк ахборотни ошкор қилиш тартибига амал қилади.

9.5. Банк Мижозга маълумотларни олдиндан ошкор қилиш йўли билан Шартномага киритилган ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчалар тўғрисида ўзгартириш ва қўшимчалар кучга киришидан камида 10 (ўн) календар кун олдин қуйидаги усуллардан бири орқали хабардор қилади:

а) ушбу маълумотларни Банкнинг ofb.uz веб-сайтида жойлаштириш;

б) мижозга хизмат кўрсатувчи банкнинг алоҳида бўлинмаларида ахборот стендларида эълонларни жойлаштириш;

в) электрон почта орқали ахборот хабарларини юбориш;

г) мижозга маълумотлар олиш ва унинг Банкдан келганлигини аниқлаш имконини берувчи бошқа усуллар.

9.6. Ушбу Шартнома Мижоз томонидан хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ барча тўловларни тўлиқ ҳисоб-китоб қилгандан кейин исталган вақтда мижознинг илтимосига биноан белгиланган тартибда бекор қилиш мумкин.

9.7. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳоллатларда, ёки бошқа Томон томонидан Шартнома шартлари жиддий бузилган тақдирда Банкнинг талабига биноан фақат суд қарори асосида бекор қилиниши мумкин.

9.8. Шартнома бекор қилингандан сўнг, мижознинг ҳисобварағидаги маблағ қолдиғи унинг ёзма аризаси асосида мижозга 7 (етти) кундан кечиктирмай берилади ёки унинг кўрсатмаси бўйича бошқа ҳисоб рақамига ўтказилади. Шартномани бекор қилиш Мижознинг ҳисобини ёпиш учун асос ҳисобланади. Агар Шартнома бекор қилинган кундан бошлаб 7 (етти) кун ичида Мижоз бошқа ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш тўғрисида ёзма кўрсатма бермаса, Банк Мижозининг ҳисобварағидаги маблағ қолдиғини 29842 (фаол бўлмаган депозит мажбуриятлари) ҳисобварағига ўтказилади.

## **10. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

10.1. Ушбу Шартнома бўйича келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Томонлар ўртасида низолар ўзаро келишув асосида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

10.2. Агар Томонларниг музокаралари натижасида ўзаро келишувга эришиш мумкин бўлмаса низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужатларига мувофиқ Мижозга хизмат кўрсатувчи Банк филиалали жойлашган ердаги тегишли судда кўриб чиқилиши керак.

10.3. Мижоз ва учинчи шахслар ўртасидаги ўзаро даъволар ва ҳисоб-китоб бўйича низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Банк иштирокисиз кўриб чиқилади.

## **11. БОШҚА ШАРТЛАРИ**

11.1. Ушбу шартномада назарда тутилмаган томонлар ўртасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади. Ушбу шартномага барча қўшимчалар унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

11.2. Мижоз ҳорижий банк ёки молия институтларидан ҳорижий валютади инвестиция, кредит ёки қарз жалб қилиш бўйича шартнома имзоланган бўлиб, мазкур шартномада инвестиция, кредит ёки қарз маблағларидан фойдаланиш (мақсадли ёки мақсадсиз ва сарфлашнинг бошқа шартлари), махсус ҳисоб рақам очиш (Ҳукумат қарори асосида) ва мазкур ҳисоб рақам орқали инвестиция, кредит ёки қарз маблағларидан фойдаланиб ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби белгилаб қўйилган бўлса, Мижоз номига айнан шу инвестиция, кредит ёки қарз маблағларидан фойдаланиш учун очилган махсус ҳисобрақамлар орқали ҳисоб-китоблар Мижоз, Банк ҳамда Ҳорижий Банк (агар бу инвестиция, кредит ва қарз бериш шартномасида назарда тутилган бўлса) ўртасида имзоланган алоҳида шартнома (кейинги ўринларда – “Алоҳида шартнома”) асосида амалга оширилади.

11.3. Агар юқорида эслатиб ўтилган Алоҳида шартнома шартлари мазкур Банк ҳисобварағи шартномаси шартларига зид бўлган тақдирда, Мижоз, Банк ҳамда Ҳорижий Банк ўртасида имзоланган Алоҳида шартномада белгиланган чекловлар Мижознинг манфаатларига зид эмаслиги ҳамда ушбу чекловлар юзасидан Банкка ҳеч қандай эътироз ёқлигини тасдиқлайди.

11.4. Мижоз илтимосига кўра Шартнома матни ўзбек тилида кирил алифбосида тузилди. Мижоз Шартнома ёзилган алифбога қарши эмаслигини билдиради.